



Демак, соч-соқоли оқарган мусулмон кишини икром қилиш, ҳурматини жойига қўйиш Аллоҳ таолони улуғлашнинг бир кўриниши экан. Ҳар бир ёш бу ҳақиқатни зинҳор унутмаслиги ва кекса кишиларнинг эҳтиромини жойига қўйиши зарур.

Шу билан бирга, уларнинг тажрибаларидан фойдаланишга ҳаракат қилиш ҳам лозим. Чунки кекса кишилар ҳаётнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини татиган, кўплаб воқеа-ҳодисаларни бошдан кечирган бўлишади. Уларнинг тажрибаларини ўрганган кишилар катта фойдага эга бўлишлари табиий. Кексаларнинг тажрибасини ўрганиш жараёнида ёшлар улар йўл қўйган ҳатоларни такрорлашмайди ва улар қийналиб эришган ютуқларга осонлик билан эришадилар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшларнинг кексалардан тажриба ўрганиши туфайли ёшликнинг қуввати билан кексаликнинг ҳикмати қоришиб, катта манфаатлар қўлга киритилади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (Ижтимоий одоблар китобидан)